O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI JIZZAX VILOYATI HOKIMI QARORI

2022 - yil 23 - iyun 314-3-0-Q/22 Jizzax viloyati hokimligi

Ғаллорол тумани ҳокимининг 2019 йил 1 февралдаги 1736-сонли қарорини бекор қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги ПФ-6243-сонли Фармони ва Ғаллаорол тумани ҳокимлигининг 2022 йил 20 апрелдаги 07-35 сонли хати, Ғаллаорол тумани прокуратурасининг 2021 йил 16 июндаги 24/202-21-сонли протести ижросини таъминлаш, вилоят Адлия бошқармасининг 2022 йил 22 февралдаги 1-04/05-8//-807-сонли хати ва Ғаллаорол туманидаги “Каримбек ва Бибизода” фермер хўжалиги раҳбари Ж.Норқўзиевнинг вилоят ҳокимлигида 2022 йил 10 февралда Н-206-сон билан рўйхатга олинган аризасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5-моддаси ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ғаллаорол тумани ҳокимлигининг 2022 йил 20 апрелдаги 07-35 сонли хати, туман прокуратурасининг 2021 йил 16 июндаги 24/202-21-сонли протести, вилоят Адлия бошқармасининг 2022 йил 22 февралдаги 1-04/05-8//-807-сонли хати ҳамда Ғаллаорол туманидаги “Каримбек ва Бибизода” фермер хўжалиги раҳбари Ж.Норқўзиевнинг вилоят ҳокимлигида 2022 йил 10 февралда Н-206-сон билан рўйхатга олинган аризаси инобатга олинсин.

2. Ғаллаорол тумани ҳокимининг 2019 йил 1 февралдаги 1736-сонли қарори бекор қилинсин.

3. Ушбу қарорнинг қабул қилиниши муносабати билан Ғаллаорол тумани ҳокимининг 2017 йил 4 майдаги 1217-сонли қарори ўз кучида қолган деб ҳисоблансин.

4. Ғаллаорол тумани ҳокими **(Ж.Оқбоев)**га

Туман ҳокимлигининг 2022 йил 20 апрелдаги 07-35 сонли хати, туман прокуратурасининг 2021 йил 16 июндаги 24/202-21-сонли протестида келтириб ўтилган хато ва камчиликларга йўл қўйган ходимларга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда чора кўриш ва натижаси юзасидан вилоят ҳокимлигига ахборот киритиш, “Ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномаси”га ўзгартириш киритиш ҳамда манфаатдор томонларни хабардор қилиш вазифаси топширилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари **О.Ашурматов** зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими **Э.Салиев**